

Одам савдоси Глобал муаммо !



Дунё ҳалқарининг жиддий муаммосига айланган одам савдосига қарши курашиш барчанинг эътиборида қолмоқда. Жиноятчиликнинг бу мудҳиш турига қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида БМТнинг бир қатор тавсиявий ва мажбурий ҳарактерига эга бўлган ҳужжатлари қабул қилинган.

Хусусан “Одам савдосига ва учинчи шахс томонидан танфурушликдан фойдаланишга қарши курашиш тўғрисида”ги 1949 йил Конверция “Қуллик ва қул савдосини, Қулликга ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисида”ги қўшимча конверция 1956 йил, “Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ҳақида”ги конверсияни тўлдирувчи “Одамлар айниқса аёллар ва болалар савдосини тўхтатиши олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида”ги баённома 2000 йил шу тоифадаги ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Бундан ташқари одам савдосига қарши курашиш юзасидан Давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида 2005 йил МДХ доирасида “Одам савдосига қарши курашиш соҳасида ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида”ги келишув 2006 йилда 8 аъзо мамлакат доирасида “одам савдосига қарши курашишнинг 2007-2010 йилларга мўлжалланган дастур” қабул қилинган эди”. Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалаларига оид миллий қонунчилигимизда ҳам ўзгаришлар бўлмоқда. Бундан ташқари ХМТ ва Халқаро миграция ташкилотининг 6 та конверсия ҳамда протоколлари ратификация қилинди. Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйилганлиги учун жавобгарлик чораларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг ҳамда жиноят кодекслариiga ўзgartериш ва қўшимчалар киритилди. Шу билан бирга халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

БМТ маълумотларига кўра дунёда ҳар йили таҳминан 2 млн 700 минг киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Халқаро экспертларнинг ббаҳолашича ушбу жиноятчилик натижасида олинаётган йиллик даромад миқдори 7 млрд ақш долларидан ошиб кетган. Ташвишланарлиси одам савдоси жиноятида жабрланганларнинг 80 % аёллар ва болалардир. Ҳар йили дунё бўйича 600-800 минг нафар аёл ва болалар алдов йўли билан хорижий мамлакатларга олиб

кетилиб сотиб юборилмоқда. Бугунги кунда одам савдосининг З та кенг тарқалган кенг тури мавжуд бўлиб булар Жинсий эксплуатация (фохишабозлик), мажбурий меҳнат ва одам аъзоларини сотишdir.

Бу жиноятнинг асосий сабаби таг замирига назар ташласак маънавий қашшоқлик, очкўзлик дунёга хатдан ташқари хирс қўйиш ва нафсиға қул бўлишликни кўрамиз.

Хулоса қилиб айтганда, одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш халқаро даражада жиддий ёндашув ва ўзаро ҳуқуқий ҳамкорлик йўлга қўйилган холда амалга оширилса ўз самарасини беради. Зероки одам савдоси кечириб бўлмас, оғир гуноҳ.

**Жиноят ишлари бўйича Олтинсой туман судининг судья ёрдамчиси
Н.Соатов**